

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.12569785>

БОЛАЛАРГА ХОС МАТНЛАРДА ОТА КОНЦЕПТИ

Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна

Қўқон университети профессори

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада матннинг болалар идрокига, болалар оламининг лисоний манзарасига мослиги, ундаги лингвомаданий ва этномиллий жиҳатлар халқнинг концептосферасидан, яъни миллий оламнинг лисоний манзарасидан хабар бериши мисоллар орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: матн, лингвомаданият, этномиллий жиҳатлар, ота концепти.

КИРИШ

Тилнинг белгилик хусусияти болаларнинг матнни идрок этишида ёрқин намоён бўлади. Матннинг болаларга хосланиши – болалар учун яратилганлиги матннинг ташқи кўринишида намоён бўлади. Матндаги лингвомаданий ва этномиллий жиҳатлар эса халқнинг концептосферасидан, яъни миллий оламнинг лисоний манзарасидан хабар беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

А.Вежбицкаянинг фикрича, муайян бир халқ тили ўзининг “семантик коиноти” ни ҳосил қилганидек, болаларга хос оғзаки ва ёзма матнлар ҳам болаларча ҳис-туйғуни, ўзига хос “семантик коиноти”ни ҳосил қилади.¹

Концептосфера атамаси биринчи Д.С.Лихачёв томонидан истеъмолга киритилган. Мисол учун, **ота** концепти барча тилларда учраса-да,

¹ Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание: Пер. с англ. Отв. ред. М.А. Кронгауз, Вступ. ст. Е.В. Паллчевой. - М.: Русские словари, 1996. - 416 с.

концептосферада турлича воқеланган. Ўзбек тилидаги *ота* – *осмон*, *она* – *ер*; *ота қарғиши* ўқ каби мақолларда **ота** концепти қадрият, диний қараш, миллий-маданий ахборотни ифодалайди, яъни ўзбек оиласида *ота* ва онанинг ўрни бир хил эмас, она ўрни келса, дугона, яхшигина беминнат хизматчи, ёрдамчи бўлиши ўзбек концептосферасида мавжуд, бироқ отадаги улуғворлик, сирлилиқ, ақл ва идрок устунлиги, жисмоний ва маънавий бақувватлик халқимиз қадрияти, ақидалар тарихи, урф-одат, миллат, ислом эътиқоди билан шаклланган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Шу ўринда концептосвералар ота концептини қиёслаш, унинг рецепиент томонидан англашилишини изоҳлаш учун болалар адиби Шарль Перонинг “Эшак териси” номли эртагидаги **ота** концептини таҳлил этсак¹, мазкур ўзбек болаларига тақдим этилган эртақнинг ўзбек когнитив фаолиятидаги *ота* концептига умуман зид эканлигини кўришимиз мумкин. Эртақ мазмуни қуйидагича:

“Қадимда бир қирол бўлган экан. Унинг ҳуснда тенгсиз аёли қазо қилибди. Ўлими олдидан “Мендан ҳам чиройлироқ аёлга уйланасиз, деб васият қилибди. Орадан йиллар ўтиб, қиролнинг фикри бузилиб, ўз қизига уйланмоқчи бўлибди”. Воқеалар нафси бузук отанинг кирдикорлари билан давом этади.

Эртақда ота концепти ўзбек болалари тарбиясига хос бўлмаган воқелиқни ифодалайди. Матндаги ота концепти умуминсоний қадриятларнинг зиддиятига учрайди. Аслида ўзбек оилаларида ота оиланинг ор-номусини сақловчи посбони, оила боши сифатида ҳурматланади. “Доно вазир”, “Нодон бола” эртақларида *ота* юксак ақл заковат эгаси сифатида кўрсатилса, баъзида ювош, мурасали инсон тарзида (“Зумрад ва Қиммат”) намоён бўлади. Ўзбек халқ эртақлари ҳамда ўзбек болалар ҳикоячилигида *ота* концепти ақлли йўлбошчи, доно, меҳрибон, зукко, қаттиққўл шу билан бирга хайрихоҳ, меҳрибон оиланинг бош аъзоси сифатида намоён бўлади. Болада *отага* хавас, унга тақлид, у билан

¹ Юлдашева Д. “Эшак териси” номли эртақдаги ахлоқий таҳдид // Устоз.2017 25 февраль №8(794). Б. 4.

фахрланиш , баъзан *ота*га ачиниш, куйиниш туйғулари уйғонади. Масалан, Сафар Барноев ҳикоясида урушга кетган *отани* соғинган болага бувиси ҳар куни *тандир*нинг олдига келиб *отасини* чақиришни ўргатиб кетади. Болага янги эрмак топилади. Ҳикояда *тандир* нон, овқат тушунчалари билан эмас, болага хос соғинч, *отани* қўмсаш, *ота* билан эркаланиб сўзлашиш каби ҳолатларни ифодаловчи восита сифатида намоён бўлади. Шу тариқа ҳикоя болаларга хос матнлиги билан ажралиб туради. Ҳикоя сўнгида тасвирланишича, киш кунларининг бирида қалин қор ёғади, она кечаси билан йиғлаб чиқади, бола тушида отасини йўқотиб қўяди, уни излай-излай уйғониб кетади. Тонг отганда, ҳаммаёқ оппоқ қор, тандирни эса қор босиб қолган. Бола синган тандир олдида отасини энди ҳеч қачон кўролмаслигини англаб етади. Ёки Сафар Барноевнинг “**Дадамнинг қўллари**” деб номланган шеърида куйидаги сатрлар мавжуд:

Дадамнинг қўллари милтиқ ҳам ушлаган, Гулни ҳам эккандир дадамнинг қўллари. Мен дадам ҳақида ҳикоя бошласам: Ажойиб, ранг-баранг дадамнинг йўллари. Дадамнинг қўллари бошимни силайди, Дадамнинг қўллари тинчликнинг тимсоли. Дадамнинг қўллари яхшилик тилайди, Уларга боқаман гоҳида жим қолиб. Қабарган бармоқлар уруғ-у аймақдир, Лашкардай саф тортиб туради ҳар ишга. Дадамнинг топгани шакар-у қаймоқдир, Бизларни қолдирмас ҳеч қачон ташвишда.

Шоир ўз ички туйғуларини юзага чиқариш, отанинг меҳри, меҳнати, жонсарақлиги, оилапарварлигини таъкидлаш каби коммуникатив мақсадларини болага етказиш учун шахс отини такрор қўллайди. Юқоридаги матнда *дадам* сўзи тўққиз маротаба, *дадамнинг қўллари* бирикмаси беш маротаба, *дадамнинг йўллари* бир маротаба қўлланади. Р.Х. Давлатова¹ ўзбек тилида шахсга ишора қилувчи бирликларнинг қўплигини таъкидлаб, тилда *шахс* семаси бевосита шахсни ифодаловчи бирликлар билан бирга, муайян нутқ вазиятида шахсга ишора қилувчи тил воситалари орқали ҳам ҳосил бўлиши, нутқда тил

¹ Давлатова Р.Х. Ўзбек тилининг дейктик бирликлари: филол.фан. д-ри.(DSc). ... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 18.

бирликларининг дейктик хусусияти асосида шахсга ишора қилиниши *шахс дейксисини* юзага чиқаришини таъкидлайди. Шеърда бола лисоний шахс сифатида отасининг портретини ўзига хос нутқи ёрдамида чизиб беради. Мазкур шеърнинг муаллифи матнда болага хос лисоний қобилиятни юзага чиқаради.

Ёки қуйидаги “шеърый ҳикоя” усулида берилган матнда *дадамнинг қалби* бирикмаси беш маротаба, *дадамнинг юраги* бирикмаси эса бир маротаба қўлланилади. **Матндаги бирикманинг такрор қўлланилиши мурожаат шаклига урғу бериб, фикрни шахс дейксисига қаратмоқда:**

Дадамнинг қалби

*Армон уясимиш дадамнинг қалби. Дадамнинг қалбида кулармиш севинч.
Дадамнинг қалбида уммон бор эмиш. Бор эмиш дадамнинг қалбида илинч.
Ёзган уч-тўрт шеъри дадам қалбининг топган қувончи-ю, озори эмиш.
Дадамнинг юраги дунё кўрмаган сонсиз фикрларнинг мозори эмиш...*

(Абдурахмон Акбар)

Сўзловчи шахс отини такрор қўллаш орқали отанинг руҳий ҳолати кучайтириб тасвирлаган. Агар биз матн ўқиладиганда, унинг ҳаракатланишини, матн мазмуни ва прагматик мақсади реципиент томонидан идрок этилишини, тасаввур ҳосил қилишини ҳисобга олсак, Сафар Барноев, Абдурахмон Акбарнинг юқоридаги матнларини бола ўқиганда ёки эшитганда, унда отага нисбатан чексиз ҳурмат, ишонч туйғулари пайдо бўлади, аксинча, Шарл Перонинг “Эшак териси” номли эртагини ўқиганда ёки эшитганда, матн болада кўркув, даҳшат каби ҳолатларни вужудга келтиради. Матн ҳаракати болада салбий тасаввурини ҳосил қилади. Матн ўқиладиганда ота тимсоли ҳаракатдаги матн концептига айланади.

ХУЛОСА

Кўринадиги, ўзбек болаларига хос матнларда ота концепти миллий олам манзарасини воқелантирган, бироқ Шарль Перро эртаги реципиентни таажжублантиради, болада изтироб, ҳадик уйғотади.

Айтиш мумкинки, ота барча тилларнинг луғат таркибида учраса-да, матнларда турлича маданий тафовутларни, қарашларнинг турфа хиллигини юзага чиқаради. Матн ва уни идрок этувчи шахс омилини ўрганишда семантик, психологик, прагматик, когнитив ва лингвокультурологик жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Yuldasheva D.M. The Methods Of Speesh Development Of Presshool Shildren. Epra Internashinal Jurnal Of Multidissiplinary Researsh(Ijmr). Impast Fastor: 7.6.11.November.
2. ЮД Махамдалиевна. Использование зоонимов в колыбельной песне-«алла», как аспект этнолингвистики. Ulrich's Periodicals Directory.
3. YD Махамдалиевна. Use of presidential names in uzbek children's texts. Gospodarka i Innowacje. 22, 68- 70.
4. ДМ Юлдашева. Болалар фольклорида креол (уйғун) матннинг ифодаланиши. Молодой ученый, 607- 609.